Суғурталовчига тақдим этган кундан бошланади ва Лизинг шартномаси муддати тугаган кунда тамом бўлади.

4.3. Суғурта полиси Суғурта мукофоти Суғурталовчининг хисоб рақамига келишув тушган кундан кейин 3 (уч) кун ичида ёзиб берилади.

4.4. Суғурта мукофотларининг қайтариладиган қисми, тўланган Суғурта мукофотлардан хақиқатда шартнома амал қилган кунларга мутаносиб хисобланган суғурта мукофотларини айириш йўли билан аниқланади. Суғурталовчи ишлатмай қолган Суғурта мукофотларини, Лизинг тўловлари Суғурта қилдирувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилган кундан бошлаб хисоблайди ва ушбу қайтариладиган Суғурта мукофотлари суммасини Суғурта мукофотлари суммасини Суғурта қилдирувчининг хисоб рақамига ўтказиб бериш мумкин.

4.5. Ишлатилмай қолган Суғурта мукофотлари суммаси(X) қўйидаги формула бўйича хисобланади:

$$X=Y-Z*H-C$$

Y-умумий Суғурта мукофоти;

Z-муддатидан олдин қайтарилган Лизинг тўловлари муддати, Суғурта муддати орасидаги кунлар сони;

H-шартнома амалда бўлган кун учун Суғурта мукофотлари миқдори;

C-иш юриш харажатлари ( 30 кун учун Суғурта мукофоти)

## 5. Суғурта ходисаси

5.1. Ушбу шартноманинг 1.1 бандида кўрсатилган Суғурта таваккалчилиги туфайли лизингга олинган мол-мулкнинг шикастланиши ёки яроқсиз ҳолга келиши Суғурта ҳодисаси ҳисобланади.

5.2. Суғурта қилдирувчи, суғурталанган мол-мулк шикастланганда ёки яроқсиз ҳолга келганда Суғурталовчи ва Наф олувчи 3(уч) кун ичида бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида хабарнома бериши шарт.

5.3. Ҳодиса юз берганда Суғурта қилдирувчи зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Суғурталовчини таъминлаш лозим.

## 6. Суғурта товони миқдорини аниқлаш ва тўлаш тартиби

6.1. Ҳодиса рўй берганда комиссия тузилади ва бу комиссия таркибига Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчи ва Наф олувчининг вакиллари, ҳодиса тавсифига кўра хуқуқни мухофаза қилувчи, ёнгиндан химоя қилувчи органлар вакиллари, экспертлар ва бошқалар киради.

Комиссия томонидан тақдим қилинган ҳужжатлар асосида ҳодиса натижасида мулкка етказилган зарар миқдори аниқланади ва дастлабки маълумотнома тузилади.

Барча тарафлар маълумотномага қўл қўядилар ва қўл қўйиш жараёнида томон ёки томонлар мавжуд эътирозларни маълумотномада акс эттирадилар.

Маълумотномага қўл қўйилгач, барча талаб қилинган хужжатлар тақдим қилингандан сўнг тўлов комиссияси кўриб чиқиб, Суғурта товони тўланиши мумкин деб хулоса берганидан кейин Суғурта товони 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

6.2. Суғурта товони, Суғурта қилдирувчига ёки Наф олувчига суғурта жавобгарлиги чегарасида яъни етказилган зарар миқдорининг саксон фоиз миқдорида тўланади. Суғурта товони Наф олувчи олдидаги қарздан ошмаслиги керак.

6.3. Етказилган зарар, Суғурта ходисасининг айбдори томонидан Суғурта қилдирувчи ёки Наф олувчига тўлаб берилса, Суғурталовчи Суғурта товонини тўлашдан озод этилади.

Агар юқоридаги холатда айибдор томонидан келтирилган зарарнинг бир қисми тўланса, қолган қисмини тўлаб бериш Суғурталовчининг зиммасида қолади.

6.4. Қўйидаги ҳолларда Суғурталовчи Суғурта товонини тўлашни рад этиши мумкин:

- иш жараёнида рўй бериши муқаррар бўлган ёки табиий ҳолда рўй берган (чириш, зангланиш) алохида қисмларнинг ўзига хос хусусиятлари туфайли кўрадиган зарар учун;
- Суғурта қилдирувчи Суғурта товонини олиш мақсадида атайлаб қилган харакатлари натижасида етказилган зарар учун;
- Суғурта ходисаси ҳақида белгиланган муддатда хабар берилмаганлиги туфайли Лизингга олинган мол-мулкнинг шикастланиши ёки бутунлай ишдан чиқиши сабабини ва зарар миқдорини аниқлаб бўлмаса ва исботловчи хужжатлар тақдим этилмаса;
- зарар, шикастланиш ёки яроқсиз ҳолга келишини содир қилган шахс томонидан қопланган бўлса;